

Сурхондарё вилоятда ҳокими Т.А.Боболовнинг вилоятда 2021 йилги ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2022 йилги режалар тўғрисида мурожати

Ассалому алайкум ҳурматли депутатлар ва сенаторлар!

Азиз юртдошлар!

Қадрли

меҳмонлар!

Бугун бутун халқимизнинг қалбидан чуқур жой олиб, умуммиллий ҳаракатга айланиб бораётган **“Янги Ўзбекистон”** ғояси замирида улуғ аждодларимиз, миллий тарихимизда **Биринчи** ва **Иккинчи** уйғониш даврига асос солган буюк боболаримизнинг орзу-интилишлари, армонлари ҳам мужассам, десак, адашмаган бўламиз.

Мурожаатимни бу мавзу билан бошлашимнинг сабаби–юртимизда ҳозир яна бир муҳим Уйғониш жараёни кечмоқда. Шунинг учун **“Янги Ўзбекистон”** ва **“Учинчи Ренессанс”** сўзлари ҳаётимизда ўзаро уйғун ва ҳамоҳанг бўлиб янграмоқда.

Бу жараёнда ҳурматли Президентимиз ташаббуси билан инсон қадри улуғланаётгани, **“Инсон қадри учун”** тамойили асосида келгуси беш йилда ҳам амалга ошириладиган барча ислохотларимиз аҳолига муносиб турмуш шароити яратишга қаратилаётгани дунё ҳамжамиятида катта қизиқиш ўйготмоқда.

Бунга биргина мисол келтирсак, узоқ йиллардан буён фуқаролик паспорти масаласи кўпчиликни қийнаб келганини барчамиз яхши биламиз. Жорий йилнинг ўзида вилоятимизда **2 890 нафар** фуқаролиги бўлмаган шахсга Ўзбекистон фуқаролиги берилгани ҳам бу муаммо ўз ечимини топаётганига яққол далилдир.

Яқунланишига оз фурсат қолган 2021 йилда ҳаётимизнинг барча соҳалари илгари кузатилмаган янгиланиш ва юксалиш жараёнларини бошдан кечирди, десак хато бўлмаса керак.

Ушбу натижалар пандемиянинг иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳага жудда катта салбий таъсир кўрсатган бир вақтда эришилганлигини алоҳида эътироф этишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайман.

Поёнига етаётган йилда юртимизнинг барча ҳудудларида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, иқтисодиётимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлигини таъминловчи кўплаб истиқболли лойиҳалар рўёбга чиқарилди. Ҳудудлар қиёфаси тубдан ўзгариб, иқтисодий-ижтимоий соҳадаги ўзгаришлар самараси аҳоли ҳаётида ўз ифодасини топа бошлади.

Аввало, бу ўринда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг **бешта устувор йўналиши** бўйича Ҳаракатлар стратегияси қабул қилингани

ўзининг ижобий самараларини кўрсатди. Давлат ва жамият ривожланишида сифат жиҳатдан янги ёндашувларни бошлаб берди.

Шунга кўра, бугун биз, вилоят мутасаддилари, секторлар раҳбарлари ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий, туризм, спорт ва бошқа барча соҳаларни ривожлантириш бўйича жорий йил учун белгилаб олган режаларимиз қанчалик амалга ошгани, бу борада йўл қўйилган хато ва камчиликлар юзасидан Сиз, қадрли депутатлар ва жамоатчиликка, оммавий ахборот воситалари ходимлари ва блогерларга батафсил ахборот берамиз.

Қолаверса, сизлар билан келгусидаги устувор вазифаларимизни ҳам бамаслаҳат кенгашиб оламиз.

Зиммамизга юклатилган ўта масъулиятли вазифани амалга оширишда бевосита танти ва меҳнаткаш халқимизнинг ўзига таяниб, фуқаролар билан доимий мулоқот олиб борилмоқда. Ҳар бир соҳа ва тармоқ бўйича бевосита учрашувлар, маслаҳат ва фикр алмашувлар ўтказилмоқда.

Хусусан, жорий йилда Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг **39 та** сессияси ўтказилиб, **224 та** турли масала кўриб чиқилди.

Сессияларда ўзим ва сектор раҳбарлари ҳар чоракда шунингдек, Республика вазирлик ва идоралари масъул ходимлари **26 марта** ҳисобот берди.

Жорий йилда Термиз шаҳри ва туманлар бюджетларининг қўшимча манбаларининг **1** июлгача **5 фоизи** ҳамда **1** июлдан бошлаб **30 фоизини** “Ташаббусли бюджет жамғармаси”га йўналтириш орқали жами **20 млрд. сўм** маблағлар ажратилди ҳамда “**очиқ бюджет**” тамойили асосида ҳудудлардаги фуқароларнинг таклифларига асосида **16 млрд. сўм**лар маблағлар ўзлаштирилди.

Депутатлар томонидан кўплаб саволлар, халқни қайнаётган масалалар, таклифлар билдирилгани ишимизни янада самарали ташкил этишга катта ёрдам бўлди.

Бундан ташқари, ўтаётган йилда шахсан ўзим фуқаролар билан ҳудудлараро **22 мартаба** сайёр қабул ўтказдим.

Унда **3 минг 150 та** мурожаат қабул қилиниб, шундан **2 минг 214 таси** **70 фоизи** қаноатлантирилди.

Шунингдек, фуқаролардан тўғридан-тўғри **166 минг 113 та** мурожаат келиб тушган бўлиб, шундан **140 минг 51 таси** ёки **90 фоизи** қаноатлантирилган.

Лекин, вилоятнинг барча ҳудудларида аҳоли мурожаатлари билан ишлаш тизими яхши йўлга қўйилган, дея олмаймиз.

Жумладан, ўтган йилга нисбатан **Бандихон, Ангор, Жарқўрғон, Музработ туманлари ва Термиз** шаҳрида аҳоли мурожаатлари сони ошган.

Мурожаатларнинг **16 фоизи** болалар нафақаси (18 ёшгача болалар учун), **6 фоизи** уй-жой билан таъминлаш, **5,5 фоизи** алимент ундириш, **4 фоизи** иш билан таъминлаш масаласи, **3,5 фоизи** маиший газ баллон билан таъминлаш, **3 фоизи** аҳоли яшаш масканларида ички йўлларни таъмирлаш ва қуриш масаласига тўғри келиши бу соҳада хали қилиниши керак бўлган кўплаб муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Агар сектор раҳбарлари юқоридаги ижтимоий муаммоларни тизимли ҳал этиш чораларини кўрганида, фуқаролар бу муаммолар билан виртуал ва юқори турувчи идораларга эмас балки, жойлардаги сектор раҳбарларига мурожаат этган бўлар эди.

Афсуски, бугун аҳолининг ҳуқуқий онгини, хусусан, мурожаат маданиятини юксалтириш ҳам долзарб масала бўлиб турибди. Мурожаатлар ичида баъзан оддий мантиққа тўғри келмайдиганлари ҳам учрайди.

Халқимиз «ўйнаб ёзсанг ҳам ўйлаб ёз» нақлини бежизга айтмаган.

Бир ташкилотга мурожаат йўллаётган одамда сўз масъулияти, фикр маданияти, маълумотлар учун жавобгарлик ҳисси бўлиши керак.

Ўтказилаётган сайёр қабулларда тўрт мучаси соғ, куч қувватга тўлган, ишлаб чарчамайдиган ёшда бўлган фуқароларимиз ҳам турли масалаларда моддий ёрдам бериш ҳақида мурожаат қилмоқда.

Улар ичида хаттоки бир йилда 3 ва 4 маротаба моддий ёрдам ажратилган фуқаролар ҳам учраб турибди.

Ўқимаса ҳам, дипломи бўлмаса ҳам меҳнат қилиб, уйида ўтириб тикувчилик қилиш, чорва билан шуғулланиш, томорқасига экин экиш орқали пул топаётган ва ҳалол меҳнати билан оиласини боқаётган, керак бўлса орамизда ногирон бўла туриб, меҳнат қилиб, даромад олаётган фуқароларимиз борлиги албатта, бизни қувонтиради.

Янги иш ўринлар, субсидия ва кредитлар ажратиш бўйича имкониятлар кенг яратилаётган бир пайтда улардан оқилона фойдаланиш фуқароларимиз учун жуда муҳим.

Ҳар бир мурожаатни кўриб чиқиш, ўрганиш, таҳлил этиш учун эса вақт керак. Агар мурожаатларда кўтарилаётган масалалар муайян ҳудуд, одамлар, умуман, жамиятимиз учун фойдали, адолатли ва ўринли бўлса, нур устига нур аъло булур эди.

Мисол учун, менга жорий йилнинг ноябрь ойида Узун тумани “Ўланқул” маҳалласида яшовчи фуқароларимиз ички йўлларни

таъмирлаш, электр энергия, кўприк қуриш ва боғча қуриб бериш масаласида мурожаат қилди. Бу мурожаатлар ўрганилиб, “Ўланқул” маҳалласида янгидан 120 ўринли боғча қуриш ишлари бошланди. 15 км ички йўлларга тош ётқизилди. Янгидан 2 км электр тармоғи тортилиб, 1 дона трансформатор ўрнатилди. Икки маҳаллани боғловчи ва ўқувчиларнинг мактабга бориши учун янги кўприк қуриш ишлари бошлаб юборилди.

Шунингдек, тадбиркорлар билан йил бошидан буён 43 марта учрашув ўтказдик. 742 тадбиркор 804 масала билан мурожаат этди. Уларнинг 733 таси кўриб чиқилиб, 587 таси ёки 80 фоизи ижобий ҳал этилди.

Азиз сессия иштирокчилари!

Рухсат берсаларингиз энди вилоятда жорий йилда амалга оширилган асосий ишлар якуни тўғрисида ҳисоботимни берсам.

Йил якуни билан вилоят бўйича **ялпи ҳудудий маҳсулот** ҳажми **28,2 трлн. сўми**, ташкил этиб, ўсиш суръати **106,6 фоизни** тенг бўлиши ўсиши кутилмоқда.

Жумладан, **саноат маҳсулотлари** ишлаб чиқариш ҳажми **110,5 фоизга (6,8 трлн. сўм)**, **қишлоқ хўжалиги** маҳсулотлари етиштириш **105,3 фоизга (22,7 трлн. сўм)**, **қурилиш-пудрат ишлари** **108,1 фоизга (5,6 трлн. сўм)**, **чакана савдо айланмаси** ҳажми **107,2 фоизга (15,7 трлн. сўм)** ва **хизматлар** ҳажми **120,6 фоизга (11,1 трлн. сўм)** ўсиши таъминланади.

Бироқ, бир қатор ҳудудларда аҳоли жон бошига кўрсаткичлар вилоят кўрсаткичига нисбатан жуда паст даражада қолмоқда.

Мисол учун, аҳоли жонбошига **саноат маҳсулотлари** ишлаб чиқариш ҳажми **Бандихон туманида 8,4 баробарга**, **Узунда 3,6**, **Олтинсойда 3,1** ва **Бойсун туманида 3 баробарга** паст.

Хизматлар ҳажми **Олтинсойда 1,6 баробарга**, **Узун ва Шўрчи туманларида 1,5 баробарга**, **Қумқўрғонда 1,4 баробарга** паст.

Тадбиркорликни ривожлантириш бўйича.

Тадбиркорликни ривожлантириш учун тижорат банклари томонидан жорий йилда жами **5,3 трлн. сўмдан** ортиқ кредит маблағлари ажратилди.

Шундан,

- кичик бизнес субъектларига **2,6 трлн сўм**;

- **“Ҳар бир оила тадбиркор”** доирасида **777 млрд. сўм**;

- “Хунармандчиликни ривожлантириш” дастури доирасида **19,3 млрд. сўм** имтиёзли кредит маблағи ажратилди.

Оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида аҳолига **777 млрд. сўм** имтиёзли кредит ажратилиши ҳисобига, **9 000 та** иссиқхона, **3591 та** чорвачилик, **404 та** боғдорчилик, **396 та** балиқчилик, **1914 та** паррандачилик, **147 та** қуёнчилик ва **1355 та** асаларичилик лойиҳалари ишга туширилди.

Ушбу ишларни амалга ошириш натижасида ҳисобот даврида **4,8 мингта** янги тадбиркорлик субъекти ташкил этилди.

Лекин, бу борада вилоятда мавжуд имкониятдан тўлиқ фойдаланилмаган.

Тадбиркорлар билан ишлашда уларга етарли амалий ёрдам кўрсатилмагани натижасида **Термиз** шаҳрида **174 та**, **Шўрчи** туманида **184 та**, **Денов** туманида **180 та**, **Жарқўрғон** туманида **155 та** **Шеробод** туманида **136 та**, **Қумқўрғон** туманида **115 та** тадбиркорлик субъекти фаолият кўрсатмаяпти.

Шуниндек, боқиманда қарздорлик **140 млрд.сўмни** ёки **1,4 баробарга** ошган бўлса, шундан **Бандихон** туманида **236 млн. сўмни (219 %)**, **Музработ** туманида **647 млн. сўмни (165 %)** ташкил этмоқда.

Янги иш ўринларини ташкил этиш бўйича.

Халқимизнинг кайфиятига таъсир этувчи яна бир муҳим омил бу иш жойларини ташкил этиш ҳисобланади.

Жорий йилда аҳоли бандлигини таъминлаш дастурига мувофиқ **22 минг та** доимий янги иш ўрни яратилди.

Шунингдек, жамоат ишларига **43 минг нафар** фуқаро жалб этилди.

Амалга оширилган ишларга қарамасдан, бугунги кунда вилоятда **112 минг** ишсиз фуқаро мавжуд бўлиб, ишсизлик даражаси **9,9 фоизни** ташкил этади.

Шундан, **Қумқўрғон** туманида **9 минг 436 нафар**, **Музработ** туманида **5 минг 757 нафар**, **Бандихон** туманида **2 минг 276 нафар** **Қизириқ** туманида **4 минг 178 нафар** фуқаро ишсиз.

Инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича.

Худудий инвестиция дастури доирасида қиймати 3,2 трлн. сўмга тенг **1 078 та** лойиҳа ишга туширилиб, **9,2 мингдан зиёд янги** иш ўрни яратилди.

Жумладан, саноат соҳасида **1,2 трлн. сўмлик 254 та**, қишлоқ хўжалигида **885 млрд. сўмлик 341 та**, хизмат кўрсатишда **1,1 млрд. сўмлик 331 та** лойиҳа фойдаланишга топширилди.

Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда асосий эътибор маҳаллий хом ашёни қайта ишлаш орқали экспортбоп тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратилмоқда.

Мисол учун,

Термиз шаҳрида **"Авган Базар Силк Карпэт Азия" қўшма корхонаси** қиймати **55 млрд.** сўмга тенг бўлган **"Ипак ва жундан гилам ишлаб чиқариш"** лойиҳасини ташкил этиш эвазига, **100** та янги иш ўрни барпо этди.

Ушбу лойиҳанинг энг эътиборли томони шундаки бугунги кунда фойдаланилмаётган жун хом ашёсини қайта ишлаш орқали қарийб 2 минг тонна жунни шунчаки ташлаб юборишнинг олди олинди.

Мазкур лойиҳанинг ишга туширилиши атроф-муҳит тозалигига ҳисса қўшибгина қолмасдан, аҳоли даромадларини оширишдаги ҳиссаси ҳам беқиёс бўлмоқда.

Музработ туманида **"Алпомиш Сервис Инвест" ХК** томонидан қиймати **48,2 млрд.** сўмлик **"Бир марталик шприц ва бинт ишлаб чиқариш корхонаси ташкил этилди.**

Замонавий хориж технологияси билан жиҳозланган янги корхонада 70 кишининг бандлиги таъминланди. Уларнинг 40 нафари "Аёллар дафтари" ва "Ёшлар дафтари"га киритилган фуқаролардир.

Вилоятда ягона бўлган корхона йилига 200 минг дона бир марталик шприц маҳсулоти ишлаб чиқаради. Унинг 40 фоизи ички бозорга сотилади. 60 фоизи хорижга экспорт қилинади. Келгусида бу ерда тиббиёт қўлқоплари ва тиббиёт учун суюқлик ишлаб чиқариш йўлга қўйилиб, яна 80 та янги иш ўрни яратиш мўлжалланмоқда.

Лекин, барча режалаштирилган лойиҳалар амалга оширилди деб бўлмади. Масалан, Бойсун, Жарқўрғон, Термиз туманларида биронта ҳам йирик ишлаб чиқариш лойиҳаси амалга оширилмаган.

Ишга тушган кичик лойиҳалар ҳисобига **Бойсун** туманида атига **160 та,** **Узун** туманида **404 та,** **Шерабод** туманида **414 та,** **Термиз** туманида **421 та** янги иш ўрни **яратилган, холос.**

Маҳаллийлаштириш дастурига асосан, **23 та** импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқариш лойиҳасини ишга тушириш натижасида **62 млрд. сўмлик** маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Мисол учун, Бойсун туманида "ПРБ Инвестмент Ко" МЧЖ 1,9 млрд. сўмлик цемент маҳсулотлари, "Дахбет" қўшма корхонаси 255 млн.сўмлик ҳар хил турдаги полиэтилен қувур, Термиз шаҳридаги "Зибест матрас" МЧЖ 548 млн. сўмлик ортопедик матрас ва юмшоқ мебель маҳсулотлари ишлаб чиқарди.

Вилоятда саноат маҳсулотларини импорт қилиш кўрсаткичлари
2020 йилга нисбатан
6,0 млн. долларга камайди.

Экспорт кўрсаткилари бўйича:

Йилнинг ўтган даврида **256 млн. долларлик** маҳсулот экспорти амалга оширилиб, ўтган йилга нисбатан **129 фоизга ўсди**.

Саноат маҳсулотлари экспорт ҳажми **172 млн. долларни**, мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт ҳажми **83 млн. долларни** ташкил этди.

Ўтган йилга нисбатан, **экспорт ҳажми Шерабод** туманида **11,4 млн. долларга**, **Денов** туманида **9,6 млн. долларга**, **Қумқурғон** туманида **4,9 млн. долларга кўпайган**.

Қадрли Депутатлар!

Маҳаллий бюджетнинг ортириб бажарилган қисми ҳисобидан Сизлар билан келишган ҳолда :

* мактабгача таълим муассасаларига **32,8 млрд. сўм;**

* умумтаълим мактабларига **26,7 млрд. сўм;**

* тиббиёт муассасаларига **20,4 млрд. сўм;**

* маданият муассасаларига **11,7 млрд. сўм;**

* ичимлик суви таъминотига **6,7 млрд. сўм;**

*“Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастури ижросини таъминлашга **15 млрд. сўм;**

*Ҳарбий маъмурий секторни ривожлантириш жамғармасига **44 млрд. сўм;**

* шаҳар ва туманларда ободонлаштириш ишларини амалга оширишга **10,3 млн. сўм** маблағ йўналтирилди.

Бундан ташқари, **кам таъминланган ва эҳтиёжманд оилаларни** ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида **2 ва 14 ёшгача нафақа** ҳамда моддий ёрдам учун бюджет маблағлари ҳисобидан **141 минг** оиллага **679 млрд. сўм** маблағ тўлаб берилди.

Маҳалла фуқаролар йиғинлари ишларини самарали ташкил этиш мақсадида **47 та** янги бино қурилди, шундан **29 таси давлат-хусусий** шерикчилик асосида барпо этилди. **285 та** маҳалла биноси реконструкция қилинди ёки таъмирланди. **265 та** маҳалла фуқаролар йиғини **мебель** ва **оргтехника** воситалари билан жихозланди.

Ҳурматли сессия иштирокчилари,

Жорий йилда аҳолининг энг муаммоли масаласи бўлган йўл, сув, электр энергия ва газ таъминотида катта ишлар қилиниб, **647 та** қишлоқ ва

маҳаллаларнинг архитектура ва меъморий қиёфасини яхшилаш, ҳудудларни ободонлаштириш ишлари учун **“Обод қишлоқ”** ва **“Обод маҳалла”** давлат дастурлари **1,6 трлн. сўм** маблағ сарфланди.

Бунинг натижасида, **минг километр**дан ортиқ ичимлик суви тармоғи, **1,1 минг** километр электр тармоғи ва **284 та** трансформатор ўрнатилди. Маҳаллаларнинг **387 километр** ички ирригация тармоқлари қурилди ва таъмирланди, **377 км алоқа тармоқлари** тортилиб, **104 та базавий станция** модернизация қилинди.

Хусусан, вилоят марказидан **220 километр** узоқликдаги тоғли ҳудудда жойлашган Бойсун туманидаги **“Хўжаидод”** маҳалласида дастур доирасида **14,6 километр** ички йўлларга тош ётқизиш, **7 километр** электр тармоғи ва **2 та** трансформатор пунктини ўрнатиш ва реконструкция қилиш, **44-сон** ва **18-сонли** мактабларни реконструкция ва таъмирлаш, қишлоқ врачлик пункти биносини қуриш ишлари амалга оширилди.

Шунингдек, маҳалла аҳолисини **“Шарруллоқ”** булоғи сув манбаси ҳисобидан ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида **15 километр** тармоқ тортилди.

Танлаб олинган **30 та маҳалла ва қишлоқлар**нинг архитектура ва меъморий қиёфасини яхшилаш мақсадида **2** мингдан зиёд турар-жой биноларининг ташқи кўриниши тартибга келтирилди.

Шунингдек, **42 та кўп квартира**ли уй-жойларда қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилди.

Хусусан, Музработ тумани **“Обиҳаёт”** маҳалласи ҳудудидаги **28 та 2 қаватли** турар-жой биноси таъмирланиб, йўлларга асфальт ётқизилди, бетон йўлаклар қурилиб, тунги ёритиш тизимлари ўрнатилди ва ҳудудлари ободонлаштирилди.

Худди шунингдек, ҳар бир туманда **биттадан** марказий кўча танлаб олинган ҳолда жами **58,4 километр** пиёдалар учун алоҳида йўлаклар ва велойўлаклар, **16,3 километр** ирригация тармоқлари қурилди, **6 мингга** яқин тунги ёритиш тизими ўрнатилиб, ҳудудларда йирик ҳажмдаги ободонлаштириш ишлари олиб борилди.

Автомобил йўллари қуриш ва таъмирлаш бўйича.

Ички йўлларни таъмирлаб, аҳолига қулай шароит яратиш учун **1,2 минг километр** тупроқ йўлларга тош-шағал ётқизилди. **443 км** ички йўлга асфальт тўшалди. Шундан, **маҳаллий бюджет** маблағлари ҳисобидан

22,7 млрд. сўм ажратилиб, жами **133,7 км** ички йўллар таъмирланди. Хусусан, **89,5 км** шағал ва **44,2 км** асфальтлаш ишлари бажарилди.

Умумий олганда жорий йилда йўлларни таъмирлашга **426 млрд. сўм** ажратилди. Бу эса, 2020 йилга нисбатан **3 баробарга**, 2016 йилга нибатан **5 баробарга** кўп, дегани.

Бироқ, бу соҳада ҳали муаммоларимиз етарли. **6 200 км** ички йўл таъмирталаб аҳволда. Мисол учун, **Бойсун** туманида **808 км**, **Қўмқўрғонда 748 км** йўл талабга жавоб бермайди.

Ичимлик ва оқова сув таъминоти бўйича.

Вилоятда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида **729 км** ичимлик суви тармоқлари тортилди. Ушбу ишлар учун жами **244 млрд. сўм** сарфланди. Натижада, **88 минг** аҳоли илк бор тоза ичимлик суви билан таъминланди ва **142 минг** аҳолининг таъминоти яхшиланди.

Шунга қарамасдан, бугунги кунда вилоят **аҳолисининг 40 фоиздан ортиғи** марказлашган ичимлик сув таъминотига эга эмас.

Мисол учун, марказлашган ичимлик суви таъминоти **Ангорда 35 фоизни**, **Бойсунда 36 фоизни**, **Шерободда 37 фоизни** ва **Бандихонда 39 фоизни** ташкил этади.

Ушбу муаммони ҳал этиш учун ҳурматли Президентимизнинг шахсан ўзлари **138 млн. доллар** маблағ масаласини ҳал этиб бердилар. Хабарларингиз бор, халқимизнинг кўп йиллик орзусини руёбга чиқариш учун “Тўпаланг” сув омборидан Термиз шаҳригача сифатли ичимлик сув етказиб келиш лойиҳаси бошланди.

Бу лойиҳа **1,7 млн** аҳоли истиқомат қиладиган **493 та** маҳалланинг сув таъминотини тубдан яхшилайдди.

Табиий газ таъминотини яхшилаш бўйича

Ҳурматли Президентимизнинг 2021 йил вилоятга ташрифлари чоғида берилган топшириғи асосида Термиз шаҳри истеъмолчиларини газлаштириш учун Ангор тумани “**Баҳор**” маҳалласидаги “**Қорақир**” **АГРСдан 46 км** юқори босимли газ тармоғини тортиш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Бундан ташқари, табиий газ назорати ҳисобининг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш мақсадида аҳоли хонадонларига **81 мингта** янги ҳисоблагич ўрнатилди.

Суюлтирилган газ таъминотини автоматлаштирилган тизимга мослаштириш доирасида **444 минг та “ID-карталар”** тарқатилди.

Электр энергияси таъминотини яхшилаш бўйича.

жорий йилда 1,1 минг км электр тармоғи ва 284 дона трансформатор пункти янгидан ўрнатилди ва реконструкция қилинди.

300 мингдан ортиқ аҳоли хонадонларига замонавий электр ҳисоблагич ўрнатилди.

Ҳурматли депутатлар,

Ўтган 20-25 йилда коммунал соҳага етарли эътибор қаратилмагани ва зарур маблағ ажратилмагани учун соҳада муаммолар кўпайиб кетган эди.

Кейинги йилларда бу тизимда кескин ўзгариш бўлаётганини барчамиз кўриб турибмиз.

Бироқ, “**қарс икки қўлдан чиқади**” деганидек, айрим ҳудудларда коммунал тўловлар бўйича қарздорлик юқориликгича қолмоқда.

Жумладан,

- табиий газ истеъмолидан энг юқори қарздорлик **Термиз** туманида **2,9 млрд. сўм, Шерободда 1,1 млрд. сўм**, ҳамда **Термиз** шаҳрида **1,3 млрд. сўмни ташкил этади.**

- электр энергия истеъмоли бўйича **Деновда 40 млрд. сўм, Шерободда 20 млрд. сўм, Жарқўрғон, Олтинсой, Узун туманларида 9-11 млрд. сўмдан.**

- ичимлик суви истеъмоли бўйича **Термиз** шаҳрида **7,3 млрд сўм, Сариосиё** ва **Термиз туманларида 1,5 млрд сўм, Шўрчида 2,5 млрд сўм.**

- чиқинди хизмати бўйича **Денов 3 млрд. сўм, Сариосиё, Термиз, Узун** ва **Шўрчи** туманларида **2 млрд. сўм, Термиз** шаҳрида **3,7 млрд сўмлик** қарздорликлар мавжуд.

Уй-жой фондини яхшилаш.

Аҳолининг яна бир муҳим талаби яъни, уй-жой билан таъминлаш масаласига ҳам тўхталиб ўтмоқчиман.

Вилоятда жами **1 485 та** кўп қаватли уйларга **41 та** уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва **13 та бошқарув компаниялари** томонидан хизмат кўрсатиб келинмоқда.

2021 йилда **216 та** кўп қаватли уйларни таъмирлаш ва ҳудудларини ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Ушбу ишлар учун **10,4 млрд. сўм** маблағ йўналтирилди.

Хусусан, **60 та** уйларнинг **том қисми** ва **51 тасининг фасад қисмини** таъмирланди, **68 та болалар майдончалари** ташкил этилди, **24,5 минг кв.м** тратуарларга бетон ётқизилди, **200 дан** ортиқ ёритиш чироқлари ўрнатилди.

Шуни таъкидлаш лозимки, жорий йилда Термиз шаҳридаги **6 та** маҳалладаги **109 та** кўп қаватли уй жойларни қамраб олган **8 та ширкатларни** мақбуллаштириш ҳисобига **1 та “Сарвар Термиз Сервис”** Бошқарув Компанияси ташкил этилди.

Бугунги кунда ушбу бошқарув компанияси нафақат кўп-қаватли уйларга балки ҳудуддаги **бошқа субъектларга** ҳам **хизмат** кўрсатмоқда.

Бошқарув ташкилотида **24 соат “Онлайн”** ишлайдиган **авария диспетчерлик** хизмати ташкил этилган бўлиб, аҳолининг соҳадаги мурожаатлари юзасидан муаммоларни жойида бартараф этиш йўлга қўйилган.

Шунингдек худди шундай бошқарув компаниялари **Ангор, Шерабод, Жаркўрғон, Қумкўрғон, Шўрчи, Денов, Узун** ва **Сариосиё** туманларида ташкил этилди.

Жорий йилда вилоятда жами **6,2 минг квартирали 155 та кўп қаватли**, шундан давлат дастури доирасида **3,6 минг квартирали 84 та** ва тадбиркорлар томонидан **2,6 минг квартирали 71 та** кўп қаватли уй-жойлар қурилди.

Аҳолини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат бюджети маблағлари ҳисобидан **субсидия** ажратилиши белгиланган.

Жорий йилда **Субсидия** асосида уй-жой сотиб олиш юзасидан **4 463 нафар** фуқаролар мурожаат қилган, ушбу мурожаатлар ҳудудий комиссиялар томонидан ўрганилиб, **2 286 тасига субсидия** ажратилиши тўғрисида ижобий хулоса берилган ва **1 670 нафар** фуқароларнинг мурожаатлари ўрганиш жараёнида.

Ижобий хулоса берилган **562 нафар** фуқарога **17,2 млрд. сўм** субсидия маблағлари ажратилди.

Қолган фуқароларга низом талабларига мувофиқ субсидия маблағлари ижобий хулоса олинган кундан бошлаб **бир йил** давомида ажратиб берилади.

Ҳурматли депутатлар!

Аҳолининг ижтимоий ҳимояга мухтож қатламини ҳимоя қилиш, ёшлар ва аёллар муаммоларини ҳал этиш мақсадида давлатимиз раҳбари томонидан **“Темир дафтар”, “Ёшлар дафтари”** ва **“Аёллар дафтар”**и жорий этилган.

“Темир дафтар”га жорий йилда **8 132 та** оилалар киритилиб, уларнинг **5 402 тасининг** даромад манбаи яратиб берилиши ҳисобига дафтардан чиқарилди.

“Темир дафтар”га киритилган меҳнатга лаёқатсиз, ногиронлари ва сурункали касалликка чалинган аъзолари бор, боқувчисини йўқотган ва кўп (4 ва ундан ортиқ) фарзандли эҳтиёжманд оилалар секторлар раҳбарлари томонидан алоҳида назоратга олинди.

Ёшлар дафтари бўйича:

Вилоятда ёшларнинг бандлигини таъминлаш, уларнинг муаммоларини ҳал этиш мақсадида **3 босқичда** мониторинг қилиш имконини берувчи “**Ёшлар дафтари**” ягона электрон платформаси ишга туширилиб, “Ёшлар дафтари”ни юритиш тўлиқ электронлаштирилди.

Бир сўз билан айтганда йил давомида ёшларнинг бандлигини таъминлаш, уларнинг муаммоларини ҳал этиш учун шакллантирилган “**Ёшлар дафтари**” асосида **46 минг 412 нафар** йигит-қиз касб-ҳунарга ўргатиш, имтиёзли кредитлар, ер майдонлари ва субсидиялар ажратиш орқали қўллаб-қувватланди.

Жумладан, 12 минг 86 нафари доимий иш ўринларига жойлаштирилди, **5 минг 82 нафарига** субсидиялар ажратилди, **695 нафарига** тўлов-шартнома пуллари, **126 нафарига** сафарбарлик чақирув резерви пуллари тўлаб берилди.

Бундан ташқари, 415 нафар ёшларимиз ҳайдовчилик курсларида ўқитилди.

Шунингдек, ёшларни қўллаб-қувватлаш учун ҳар бир туман, шаҳарда молиявий манбалари аниқ белгиланган алоҳида жамғармалар ташкил этилди.

Ҳозир мазкур жамғарма маблағлари ҳисобидан ёшларимизни қўллаб-қувватлаш ишлари давом эттирилмоқда.

Мазкур йўналишдаги ишлар давоми сифатида кириб келаётган **2022 йилда** ҳам жами **36 минг 722 нафар** йигит-қизнинг бандлигини таъминлашни режалаштириб олганмиз.

Ҳурматли Президентимиз етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга алоҳида эътибор бермоқдалар.

Бунинг исботини жорий йилнинг ўзида давлатимизнинг **1 та** Фармон, **2 та** қарори қабул қилинганида ҳам кўришимиз мумкин.

Мазкур фармон ва қарорларга мувофиқ Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар билан ишлаш бўйича ҳар бир шаҳар (туман)да Болаларни химоя қилиш шўъбалари ҳамда вилоятларда Болаларни химоя қилиш котибиятлари ташкил этилди.

Бу билан келажагимиз эгаларига яна қатор имконият яратилди.

Шу йилнинг ўзида вилоятда **3 та** оилавий болалар уйи ташкил этилиб, меҳрибонлик уйи фарзандларини ўз бағрига олди.

Шунингдек, куни-кеча Термиз шаҳридаги 12-сонли Меҳрибонлик уйини тамомлаган **13 нафар** болага тўлиқ жиҳозланган уй-жой олиб берилди. 2022 йилда яна уларнинг **49 нафари** янги ўй-жой билан таъминланади.

Шу ерда яна бир нарсани айтиш керакки, энди мамлакатимизда Меҳрибонлик уйлари бўлмайди. Етим болалар оилавий болалар уйларида камолга етиб, жамиятга мослашади.

Хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш ва уларни қўллаб-қувватлаш борасида:

“Аёллар дафтари”га ижтимоий аҳволи ва турмуш шароити оғир ҳамда ёрдамга муҳтож **59 минг** хотин-қиз киритилиб, уларнинг муаммолари ҳал этиб берилди.

Хусусан, **23 минг 700 нафар** хотин-қизнинг бандлиги таъминланди.

8 минг 900 нафар боқувчисини йўқотган, ижтимоий ёрдамга муҳтож ногирон болалари мавжуд ёлғиз аёлларга **4,2 млрд. сўмлик** бир марталик моддий ёрдам ажратилди.

Олий таълим муассасаларига қўшимча давлат грантлари асосида **153 нафар** хотин-қиз ўқишга қабул қилинди, **5 минг нафар** хотин-қизга табдиркорлик қилиши учун **104 млрд сўм** имтиёзли кредит ажратилди, **122 нафар** оғир ижтимоий вазиятга тушган аёлга уй-жой олиш учун бошланғич бадаллари тўлаб берилди.

Шу билан бирга, вилоятда **2050 та** оилавий ажрим қайд этилиб, (2020 йилда **1453 та**) **597 тага (41 фоиз)**га кўпайгани ташвишли ҳолатдир.

Жумладан, Термиз шаҳрида **291 та**, Денов туманида **254 та**, Сариосиёда **195 та**, Жарқўрғон туманида **193 та**, Қумқўрғонда **188 та** ажрим қайд этилган.

Бу эса ўз навбатида маҳалла тизими ва бошқа масъулларнинг оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, нотинч оилалар билан ишлаш, ажримларнинг олдини олиш борасидаги ишлари етарли эмаслигидан далолат беради.

Ҳурматли сессия иштирокчилари!

Қишлоқ хўжалиги вилоятимиз иқтисодиётида асосий тармоқ ҳисобланади.

Жорий йилда сув танқислигига қарамасдан деҳқонларимизнинг машақатли меҳнати ҳамда кластер тизимининг жорий этилиши натижасида мўл ҳосил олинди.

Хусусан, ўтган йилга нисбатан пахта ҳосилдорлиги **7,5 центнерга** ошиб, **35 центнерни**, ғалладан **8 центнерга** ошиб, **67 центнерни** ташкил этди.

Шунингдек, пилла етиштириш **400 тоннага**, мева ва узум **65 минг тоннага**, сабзавот ва полиз **200 минг тоннага**, гўшт **5 минг тоннага**, сут **27 минг тоннага** ошди.

2021 йилда **11 минг гектарда** янги боғ, **5 минг** гектарда анорзор, **3,6 минг гектарда** узумзор ташкил этилди.

Шунингдек, **14,5 минг гектар** майдон қайта ўзлаштирилди, **28 минг гектарда** сув тежаш технологиялари жорий этилди.

Чорвачилик тармоғини ривожлантириш учун 133 та лойиҳага **94 млрд. сўм** банк кредити ажратилиб, **5 155 бош** қорамол ва **21 200 бош майда** шохли насли мол четдан олиб келинди.

Паррандачилик соҳасида 32,1 млрд. сўмлик 34 та лойиҳа бўйича **943 минг бош** парранда ва **баликчилик соҳасида 33 гектар сунъий ва 12 гектар интенсив кўл ташкил қилинди.**

Азиз депутатлар ва сессия қатнашчилари!

Бугунги кунда иссиқхонларда сабзавот ва лимон етиштириш вилоятимизнинг асосий драйверига айланмоқда.

Жумладан, 2016 йилгача вилоятда **450 гектар** иссиқхона мавжуд бўлган бўлса, 2021 йил якуни билан бу кўрсаткич **2 550 гектарни** ташкил этиб, **5 баробарга** оширилди.

Хусусан, жорий йилда барпо этилган **250 гектар** иссиқхонанинг **130 гектари** **6 500 та** хонадонларда бўлиб, аҳолининг асосий даромад манбаига айланмоқда.

Мисол учун, Бандихон туманидаги “Лимонзор” маҳалласидаги **500 хонадоннинг 170 тасида** лимон етиштирилиб, бир оила ўртача **45-50 млн. сўмдан** даромад олмоқда. 2021 йилда ушбу маҳаллада **100 хонадонда** лимонзор ташкил этилган бўлса, кейинги йилларда яна **120 хонадон иссиқхона қуришни** режалаштирган.

Яъни, **10 сотих** ер майдони мавжуд хонадон ўзини-ўзи тўлиқ банд қилиб, яхши даромад олиши мумкинлигини бу маҳалла амалда кўрсатиб бермоқда.

Ҳурматли депутатлар !

Мактабгача таълим тизимини яхшилаш мақсадида жорий йилда **53 та**, шундан, маҳаллий бюджет маблағи ҳисобидан энгил конструкциядан фойдаланган ҳолда **28 та** мактабгача таълим ташкилотлари бинолари қуриш ишлари амалга оширилди.

Бундан ташқари, **11 та** давлат-хусусий шериклик асосида ҳамда **906 та** оилавий боғча ташкил этилди.

Натижада, вилоятдаги мактабгача таълим ташкилотлари сони **2 044 тани**, шундан давлат мактабгача таълим ташкилотлари **382 та**, хусусий мактабгача таълим ташкилотлари **8 та**, давлат-хусусий шериклик асосидаги нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари **148 та**, оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари **1 506 тага**

етди.

Қамров йил бошидаги **41,5** **фоиздан** - **50,1** **фоизга** етказилди.

Таҳлил қиладиган бўлсак, бу кўсаткич 2017 йилда атиги **13,6** %, 2018 йилда **18,6** %, 2019 йилда **35,0** %, 2020 йилда **41,5** % **ташқил этган**.

Лекин, бу борада етарли ишлар амалга оширилмагани учун болалар қамрови **Бандихон** туманида **32,5** **фоиз**, **Деновда** **40,9** **фоиз**, **Бойсунда** **39,8** **фоиз** бўлиб, ҳамон пастлигича қолмоқда.

Умумтаълим мактаблари бўйича:

Вилоятда **933** **та** умум таълим мактаби мавжуд бўлиб, 2021 йилда жами **712** **та** умумтаълим мактабида қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Жумладан **3** **та** мактаб янгидан бунёд этилди, **70** **та** мактабга қўшимча бино қурилди, **19** **та** мактаб мукаммал таъмирланди, **619** **та** мактабда жорий таъмирлаш ишлари олиб борилди.

Ўтаётган йилда **33** **та** умумтаълим мактаби учун **11,7** **млрд. сўмлик** мебел, ўқув-лаборатория жиҳозлари, спорт анжомлари ва бошқа техник воситалар етказиб берилди.

Маҳаллий бюджет ҳисобидан **5** **минг** **600** **комплект** ўқув партаси билан таъминланди.

Шунга қарамасдан, бугунги кунда **69** **та** мактабнинг ўқувчилар коэффициенти юқори, **89** **та** мактаб мукаммал таъмирга муҳтож, **254** **та** мактабга ичимлик суви ташиб келтирилади, **247** **та** мактаб атрофи тўлиқ ўралмаган, **320** **та** мактабда спорт зал биноти йўқ.

Республикада олий таълим квоталари йилдан-йилга ошиб бормоқда. Вилоятда бу кўрсаткич **24** **фоизга** оширилди.

Лекин, вилоятда **10** **та** мактабнинг биронта ҳам битирувчиси олий таълим муассасаларига кирмаган.

Бойсун туманида 3 та 15-, 24-46-мактаблар, Олтинсой туманида 3 та 19-, 35-, 37-мактаблар, Шеробод туманида 2 та 35-, 69-мактаблар, Жарқўрғон тумани 45-мактаб, Қумқўрғон тумани 11-мактаблари.

Бундан ташқари, жами **43** **минг** ўқитувчи педагоглардан бор йўғи, **3** **фоизи** (**1305** **нафар**) олий тоифали, **11,6** **фоизи** (**5022** **нафар**) биринчи тоифали, **23,6** **фоизи** (**10236** **нафар**) иккинчи тоифали ўқитувчилардир. Бундан кўриниб турибдики, кадрлар сифатини ҳамда салоҳиятини ошириш бўйича ҳали кўп ишларни бажаришимиз лозим.

Соғлиқни сақлаш бўйича:

Бирламчи тиббий-санитария ёрдами сифатини ошириш ҳамда тор доирадаги касалликларни вилоят ҳудудида даволашни ташкил этишга асосий эътибор қаратилди.

Хусусан, вилоятда янги **12 та** оилавий шифокорлик пунктлари ва **1 та** оилавий поликлиника ишга туширилди, **69 та** бирламчи тиббиёт муассасаси таъмирланди.

2,5 млн аҳоли тиббий хатловдан ўтказилди, **418 минг нафар** касаллик аниқланган шахсларнинг **398 минг нафаридан** соғломлаштириш тадбирлари олиб борилди.

Дори воситалари ва тиббиёт буюмлари сотиб олиш учун ажратилган маблағлар

65 млрд сўмни ташкил этиб, **3 баробарга** оширилди.

Жорий йилда вилоят **кардиология** марказининг замонавий **ангиограф** ва **аритмологик** комплекс билан жиҳозланиши ҳисобига биринчи мартаба коронография, юрак ва бошқа орган томирларини стентлаш, туғма юрак нуқсонларни бартараф этиш (Оклюдер қўйиш) ҳамда кардиостимулятор қўйиш каби мураккаб жаррохлик амалиётлари ўтказилди.

Вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида **4 нафар** беморда буйрак трансплантацияси жаррохлик амалиёти амалга оширилди.

Вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказида **6 нафар** болада илк марта туғма юрак нуқсонларини бартараф этиш жаррохлик амалиёти йўлга қўйилди.

Бундай мураккаб жаррохлик амалиётларини ўзимизда ўтказиш учун шу йил Россияга хизмат сафари билан борганимизда Новосибирск шаҳридаги академик К.Н.Мешалкин номидаги **“Миллий тиббий илмий текшириш тиббиёт маркази”** ҳамда Красноярск ўлкасидаги **“Юрак қон-томир маркази”** билан яқиндан танишиб, ўзаро тажриба алмашиш, шифокорларимиз малакасини ошириш ва бу клиникаларнинг тажрибаларини вилоятимизда жорий этиш бўйича ҳамкорлик ўрнатиб қайтган эдик.

Шу келишувга асосан академик К.Н.Мешалкин номидаги **“Миллий тиббий илмий текшириш тиббиёт маркази”**нинг энг малакали шифокорлари вилоятимизга келиб, Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббий маркази Сурхондарё филиалида маҳаллий шифокорларимиз билан

50 дан ортиқ беморда мураккаб жаррохлик амалиётини ўтказди. Бу бир беморнинг ўртача 76 миллион сўмни тежаб қолиш имконини берди. Шу ҳисобда ўзимизда жаррохлик амалиётини ўтказган 50 дан ортиқ бемор оилавий бюджетининг 2 миллиард

600 миллион сўмдан зиёд маблағини тежаб қолди. Иккинчидан, беморларимиз Ватандан олисда, мусофир юртда эмас, киндик қони томган юртда қавму-қариндошлари кўз ўнгида жарроҳлик амалиётидан ўтиб, тез соғайди.

Соҳада юз берган бу ўзгаришларни инсон қадрини улуғлаш, беморларимизнинг даволаниши учун олис жойларга бориб саргардон бўлишига чек қўйиш ҳамда сарфланадиган маблағни тежаш мақсадида амалга ошираётганимизни барчангиз тўғри ҳис этиб турибсиз, деган умиддаман.

Масалан, биргина шу йилнинг ўтган даврида **426 нафар** оилавий шароити оғир фуқаролар ва яқинларининг даволаниши ҳамда жарроҳлик амалиётини ўтказишга кўмаклашиш учун **2 млрд. 910 млн.** сўм моддий ёрдам кўрсатилди.

Келинг, шу ўринда бир нечта мисол ҳам келтираман: Жарқўрғон тумани Меҳнатобод маҳалласида яшовчи Шукрона Шодимаҳматовага Россиянинг Москва шаҳрида кўз касаллиги бўйича жарроҳлик амалиётини ўтказиши учун 37 млн сўм маблағ ажратиб берилди.

Ёки, Олтинсой тумани “Мўминкул” маҳалласида яшовчи Худойбердиев Баҳодирнинг жигар церрози бўйича Ҳиндистон давлатида ўтказилиши режалаштирилган жарроҳлик амалиёти учун 40 млн сўм моддий ёрдам ажратилди.

Қумқўрғон тумани “Исломобод” маҳалласида яшовчи Номозов Абдураимнинг жигар церрози бўйича Ҳиндистон давлатида ўтказилиши режалаштирилган жарроҳлик амалиёти учун 30 млн сўм моддий ёрдам кўрсатилди.

Ангор тумани “Қорасув” маҳалласида яшовчи фуқаро Дилфуза Очиловага ҳозирги кунда шароити ўта оғирлиги сабабли бир ёшли фарзандининг юрак жарроҳлик амалиёти (шартнома асосида) учун 24 млн. сўм;

- Термиз шаҳар Ҳамза кўчаси 27-уйда яшовчи фуқаро Мохида Жумаевага турмуш ўртоғи Ўлмас Йўлдошевни юрак касаллиги бўйича даволаниши учун шартномага асосан 21 млн. сўм;

Юрак қон томир, буйрак, жигар каби аъзолар касалликларига чалинган беморлар даволаниш учун четга чиқишининг яна бир сабаби– кадрлар салоҳиятининг етишмаслиги эди.

Бу муаммога барҳам бериш учун биз хорижлик энг тажрибали соҳа мутахассисларини вилоятимизга жалб этиш баробарида шифокорларимизнинг четда тажриба алмашишини ҳам йўлга қўйиб олдик.

Эндиликда вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази кардиожарроҳлик ва буйрак трансплантацияси амалиётини йўлга қўйиш учун зарур юқори технологияли тиббий аппаратуралар билан жихозланади, воҳамиз

мутахассислари республика маркази ва хорижий клиникаларда 3 ойдан 6 ойга қадар касбий маҳоратини оширади.

Ҳурматли депутатлар, сессия иштирокчилари!

Ўтаётган йилда вилоятда давлат хусусий шерикчилик асосида тиббиёт бирлашмалари таркибидаги шифохона ва поликлиникаларнинг лаборатория хизматини аутсорсинг асосида хусусий секторга бериш амалиётида Сурхондарё тажрибасини яратдик.

Туркиянинг “Канилаб” компаниясига қарашли “Аллес Сағлик Гроуп” МЧЖ хусусий корхонаси билан ҳамкорликда ишлаб, Ангор туманида тажриба тариқасида лаборатория хизмати бўйича аутсорсинг тизимини йўлга қўйдик.

Хорижий давлатлардаги юртдошларимизни қайтариш чораларини кўриб, **2020 йилда** чет мамлакатлардан **49 нафар** малакали врач қайтарилди.

Бу йил яна **36 нафар** шифокор билан музокара олиб бориб, бугунгача **6 нафар**, шу жумладан Россия федерациясидан **4**, Яман давлатидан **1** ва Тожикистон Республикасидан **1 нафарини** вилоятга қайтариб, уларга зарур шароитлар яратилди. Бундан ташқари афғон миллатига мансуб **2 нафар** хорижда ишлаб, бой тажриба тўплаган юқори малакали шифокор ишга қабул қилинди (*Музработ туманида акушер-гинеколог, Термиз шаҳрида офтольмолог*)

Яна бир муҳим масала, ҳурматли Президентимиз ғамхўрлиги билан клиник ординатурада ўқиш квотаси **2 баробарга** оширилгани тўғрисида тўғрисида бу йил **95 нафар** битирувчимиз клиник ординатурада ўқиётган бўлса, **48 нафарининг** шартнома пуллари вилоят маҳаллий бюджетидан қоплаб берилди.

Бу борадаги барча ишлар замирида ягона мақсад–халқимиз саломатлигини сақлаш ва тиббий маданиятини ошириш масаласи турибди.

Вахоланки, мендаги маълумотларга кўра, мутахассислар вилоятда касалликларнинг келиб чиқиш сабабларини таҳлил қилганида аҳолининг соғлом турмуш тарзига риоя этмаслиги кўпгина касалликларга сабаб бўлаётганини аниқлаган. Албатта, соғлом турмуш тарзини таъминлашда жисмоний тарбия ва спортнинг ҳам ўз ўрни бор.

Вилоятда аҳолининг спорт билан шуғуланишини кўпайтириш мақсадида жорий йилда **658 та** “Воркаут”, **167 та** “Стритбол”, **92 та** бадминтон, **66 та** мини-футбол майдончаси, **15 та** фитнес заллари, **8 та** (3 та очиқ ва 5 та ёпиқ турдаги) сузиш хавзалари, **32,5 км.** пиёдалар ва велосипед йўлакчалари ташкил этилди.

Натижада вилоятдаги аҳолининг **685 минг нафари** спортга жалб қилиниб, спорт билан шуғуланиш даражаси **22,1 фоизда 25,4 фоизга** ўсди.

Жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик соҳаси бўйича:

Жиноятчиликни камайтириш борасида барча ҳудудларда **4 та** сектор раҳбарларининг бевосита иштирокида жиноят ва маъмурий ҳолатлар муҳокамаси кучайтирилиб, уларнинг сифати ва натижадорлигига эътибор қаратилмоқда.

Жорий йилнинг **11 ойида** мавжуд маҳаллаларнинг **255 тасида** жиноят содир этилмаган, **219 тасида** ошган, **188 тасида камайган**.

Содир этилган жиноятларнинг ҳар учинчисини (**3970 тадан, 1360 таси 36%**) фирибгарлик (**705 та**), ўғирлик (**524 та**), йўл-транспорт ҳодисаларини (**131 та**) ташкил этади.

Шунингдек, фирибгарлик жиноятларининг **584 таси** пул олди берди масаласида, **69 таси** ўқишга ва ишга киритиш ва **52 таси** эса чет давлатга ишга жўнатиш мақсадида содир этилган.

Маҳаллада содир этилаётган жиноятларнинг олдини олиш мақсадида **3 та** тоифага ажратиш амалиёти йўлга қўйилиб, “жиноятлар ошган” маҳаллаларда Миллий гвардия ходимлари билан биргада қўшимча патруллик йўналишлари ташкил этилди.

Қадрли депутатлар !

Вилоятда аёллар муаммолари билан туман ҳокимлари ва уларнинг хотин-қизлар бўйича маслаҳатчилари етарли ишларни олиб бормагани натижасида **455 та** нотинч оила рўйхатга олинган, **558 та** шаръий никоҳда турган оила ҳамда **689 та** ажрим ёқасидаги оила мавжуд.

Энг ташвишга соладиган яна бир масала- ўтган даврда **348 нафар** аёл томонидан жиноят содир этилган, **195 ҳолат** шундан, **74** аёл ўз жонига қасд қилган, **31 та** суиқасд ҳолатлари содир этилган.

Бу борада энг ёмон аҳвол **Музработ, Шўрчи, Денов, Узун** туманларида экани ташвишлидир.

Бу борада мазкур туман ҳокимларининг маҳалла бўйича ўринбосари, маҳалла раислари, уларнинг хотин қизлар масалалари бўйича ўринбосари етарли иш олиб бормаяпти.

Шунинг учун бу муаммолар билан кенг жамоатчилик биргаликда ишлаб, тушунтиришимиз, мавжуд муаммоларни ўрганиб, уларни ҳал қилиш, ёшларимизни никоҳга тайёрлаш каби тадбирларни амалга оширишимиз зарур.

Қадрли воҳадошлар!

Давлатимиз раҳбари ўзининг сайлов олди дастурида **2022-2026 йилларда “Янги Ўзбекистонни”** ташкил этиш, бунда асосий эътиборни **“инсон қадри учун”** тамойилига қаратишни асосий мақсад

қилиб бердилар. Шунга мувофиқ вилоятимизда ҳам олтита муҳим йўналиш бўйича чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди. 2022 йилда Сизлар билан бирга барча ишларимизни ана шу йўналишлар доирасида амалга оширамиз.

Ҳурматли Депутатлар!

Энди бевосита **2022 йилда вилоятни** ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича олдимизда турган муҳим вазифалар ва режалар ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман.

Аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича.

Келгуси йилда ишсизлик ва камбағалликни қисқартириш борасида вилоятда **166 минг та**, шундан **107 мингта** доимий янги иш ўрни яратилади.

Хусусан,

I. Тадбиркорлик ва хизмат кўрсатиш соҳасида 1,1 трлн сўм маблағ ҳисобига 65 минг та иш ўрни;

Жумладан, соҳалар кесимида

- оилавий тадбиркорлик дастури ҳисобига **21250 та (850 млрд сўм);**

- ПҚ-5113-сон қарор бўйича хизмат кўрсатиш лойиҳалари ҳисобига **2369 та (265 млрд сўм);**

- Янги кичик бизнес субъектларини ташкил этиш ҳисобига **14600 та;**

- Ер майдонларини аукционга чиқариб янги лойиҳаларни ишга тушириш ҳисобига **26 698 та (325 га);**

II. Қишлоқ хўжалиги соҳасида 100 млрд сўм ҳисобига 29 533 та иш ўрни яратилади.

III. Инвестиция дастурлари ҳисобига 18611 та (лойиҳа сони 828 та, 6,6 трлн сўм) янги иш ўрни яратилади.

- Давлат инвестиция дастури ҳисобига **4040 та (лойиҳа сони 93 та, 730,4 млрд сўм);**

- Тармоқ инвестиция дастурлари ҳисобига **1350 та (лойиҳа сони 11 та, 844,1 млрд сўм);**

- ҳудудий инвестиция дастурлари ҳисобига **10620 та (лойиҳа сони 725 та, 5,4 трлн сўм);**

IV. Қўшимча захиралар ҳисобига
703 млрд сўм маблағ эвазига 59344 та янги иш ўрни барпо этилади.

Бу тадбирларни амалга ошириш учун вилоятда иқтисодий комплекс ташкилотларидан ҳамда тадбиркорлардан **721 та** маҳаллаларга “**хоким ёрдамчилари**” танлаб олинди.

Улар томонидан ҳар бир маҳалланинг ривожланиш имкониятларини таҳлил қилиб, асосий драйверлари белгилаб олинади.

Хизматлар соҳасини ривожлантириш бўйича.

Хизматлар соҳасини ривожлантириш ҳамда транспорт хизматлари сифатини ошириш мақсадида келгуси йилда **199 та** автобус техникалари олиб келинади ҳамда маршрут йўналишлари сони оширилади.

Таълим хизматларини ривожлантириш мақсадида **871 та (24 340 ўринли)** **оилавий** мактабгача таълим ташкилотлари мебел билан **жиҳозланади** ва **ишга тушириш** учун **502 тасига** қўшимча **15,0 млрд сўм кредит** маблағлари ҳамда **368 тасига 11,0 млрд сўм субсидия** ресурс маблағларини ажратиш масаласи ҳал этилади.

Аҳолига тиббий хизмат сифатини яхшилаш мақсадида **Ангор, Бойсун, Денов, Жарқўрғон, қизириқ, Музработ, Олтинсой, Сариосиё, Узун, Шеробод, Шўрчи** ва **Термиз** туманларида **1 тадан** оилавий шифокорлик пункти ҳамда **Термиз** шаҳар ва **Қумқўрғон** туманида **1 тадан** оилавий поликлиника ташкил этилади.

Шунингдек, хусусий **тиббиётни** ривожлантириш бўйича **35 та инвестиция лойиҳаларига 15 млн. доллар кредит** маблағларига ажратиш чоралари кўрилади.

Худудий инвестиция дастури бўйича.

Мавжуд ресурслардан фойдаланган ҳолда **2022 йилда** умумий қиймати **6,2 трлн сўмга тенг бўлган 736 та** лойиҳа ишга туширилиб, **12 мингга яқин** янги иш ўринлари яратилади.

Мисол учун, Ангор туманида “**Топ Куалити Бренд**” МЧЖ томонидан қиймати **250 млрд. сўмга тенг бўлган тайёр чарм, пойабзал ва чарм-атторлик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш** лойиҳаси фойдаланишга топширилади. Натижада **100 та** янги иш ўрни яратилади.

Мазкур лойиҳа вилоятда қолаверса республикада энг йирик лойиҳалардан бири бўлиши кутилмоқда, лойиҳанинг ишга туширилиши натижасида йилига **20 млн кв.м** тери хомашёси қайта ишланиб, **500 минг жуфт** пойабзал ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Кичик саноат зоналарини ривожлан-тириш бўйича.

14 та кичик саноат зоналари ташкил этилади, уларда қиймати **120,1 млрд сўм** бўлган **95 та** инвестиция лойиҳалари амалга оширилади ва **620 та** янги ишчи ўринлари яратилади.

Қурилиш ва таъмирлаш ишлари бўйича:

Келгуси йилда **124 та** кўп квартирали уйлар таъмирлаш ва ҳудудларини ободонлаштириш ишлари амалга оширилади. Ушбу ишлар учун бюджет маблағлари ҳисобидан **5,8 млрд.сўм** ажратилиши мўлжалланган.

Ушбу маблағлар ҳисобидан, **95 та** уйларнинг **фасад** қисми ва **15 та** уйларнинг **том қисми** таъмирланади, **27 та** болалар майдончалари ташкил этилади, **3,5 минг** погонметр ирригация тармоқлари таъмирланади, **8 минг** квадрат метр тротуарлар бетон қопламаси билан қопланади, **182 та ташқи ёритиш** чироқлари ўрнатилади.

2022 йилда **Ангор, Бойсун, Сариосиё, Жарқурғон** туманларида барпо этиладиган **“Янги Ўзбекистон”** массивларида жами **1 560 квартирали 66 та** кўп қаватли уй-жойлар ҳамда **4 та ижтимоий** объектлари қурилади.

Шунингдек, ипотека кредитлари ҳисобидан **2 минг та** янги квартиралар ва **500 та** якка тартибдаги **уй-жойларни** қуриш ва реконструкция қилиш ишлари амалга оширилади. Келгуси йилда **1 733 та**, шундан **1233 та** кўп қаватли ва **500 та** якка тартибдаги уй-жойларни қуриш-реконструкция қилиш учун **субсидиялар** ажратилади.

“Обод қишлоқ” ва **“Обод маҳалла”** дастури доирасида **30 та** маҳалла ва қишлоқнинг архитектура қиёфаси яхшиланиб, ободонлаштирилади.

Бу тадбирлар учун жами **351 млрд. сўм** маблағ ажратилади.

Аҳолининг турмуш даражасини ошириш учун **бир минг кмдан ортиқ** ички йўллар таъмирланади. Хусусан, ички йўлларни таъмирлаш дастури доирасида **343,6 км**, шундан **206,2 км** шағал ётқизиш ва **137,4 км** асфальтлаш ишлари амалга оширилади.

1,1 минг км электр тармоғи тортилиб, **293 та** трансформатор ва подстанция янгиланади.

Экология бўйича.

Экология соҳасига ҳам катта эътибор қаратиб, **“Яшил макон”** умумиллий лойиҳаси доирасида **16 млн дона** дарахт кўчати экилади.

Мақтабгача таълим соҳасини яхшилаш бўйича.

2022 йилда дастурлар доирасида:

- **4 080 ўринли 28 та** давлат,
- **550 ўринли 6 та** давлат-хусусий шериклик асосида,
- **6250 ўринли 250 та** оилавий,

- **630 ўринли 7 та** енгил конструкцияли (сэндвич панель) давлат МТТлари янгидан ташкил этилади.

8 та давлат мактабгача таълим ташкилотларини реконструкция қилиш орқали қўшимча **490 ўрин** яратилади,

35 та 6 ёшли мажбурий бир йиллик тайёрлов гуруҳларини ташкил этиш орқали **874 нафар** болалар мактабгача таълим билан қамраб олинади.

Натижада йил якунига бориб қамров кўрсаткичи **55,3 фоизга** етказилади.

Халқ таълими тизими бўйича.

Мактаблар сиғимини ошириш учун вилоятда **6 минг 104 та** қўшимча ўқувчи ўрни яратилади. Бунинг учун, **та** янги мактаб ва **14 та** мактабда янги бинолар қурилади, **3 та** мактаб мукамал таъмирланади.

Шунингдек, **5 та** спорт, **5 та** маърифат заллари бунёд этилади ва тўлиқ жиҳозланади. **23 та** компьютер синфхоналари, **5 та** технология устахоналари ва **250 та** мактаб кутубхоналари жиҳозланиб, замонавий адабиётлар билан таъминланади.

Бойсун, Термиз, Шўрчи, Қизирик, Қумқўрғон, Бандихон, Шеробод туманларида Ай-Ти, математика, кимё-биология фанларига ихтисослашган **11 та** мактаб ташкил этилади.

Жинойтчиликни олдини олиш бўйича.

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида, **7 та “Маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскан”**лари фаолияти йўлга қўйилади.

Қадрли депутатлар, келгуси йилда қурилиш объектларини қуриш-таъмирлаш ишлари бўйича барча лойиҳалар куни кеча (10.12.2021 йил) ҳурматли Президентимиз томонидан қабул қилинган қарорга асосан (ПҚ-43-сонли) пудрат ташкилотларини аниқлаш жараёнларининг коррупциядан ҳоли, очиқ рақобат шароитида шаффоф бўлишига, ажратилган маблағларнинг ўз вақтида ва мақсадли ўзлаштирилишига, қурилиш ишларининг сифатли ҳамда белгиланган қурилиш меъёрларига мувофиқ олиб борилиши қатъий назоратга олинади.

Барча белгилаб олинган тадбирларни очиқлик ва ошкораликни таъминлаган ҳолда Сизлар билан келишиб, амалга оширамиз.

Хусусан, ижтимоий-иқтисодий соҳани ислоҳ қилиш ва устувор тармоқларни ривожлантиришга йўналтирилган **муҳим лойиҳалар** барча ҳудудларнинг талаблари ва маҳаллий ташаббускорларнинг таклифларини инобатга олган ҳолда **жамоатчилик иштирокида кенг муҳокама қилинганидан кейин** қабул қилинади.

Қадрли депутатлар ва сессия қатнашчилари! Раҳбарлар хусусан ҳоким ва унинг ўринбосарлари қандай ишлаётгани энди улар фаолиятининг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (ЭМСК, КРІ) асосида баҳоланиб, аниқ хулоса берилмоқда.

2021 йилнинг **9 ойлик** якунларида **Энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари бўйича** ҳоким ва унинг ўринбосарлари фаолияти самарадорлиги таҳлил қилинганида 4 та яъни, Қумқўрғон, Бойсун, Музработ, Жарқўрғон туманлари ҳокимлари 75 фоиздан паст балл тўплади.

Ангор (**Фарид Умаров**), Бандихон (**Умид Қулмаматов**), Узун (**Зиядулло Абданов**), Олтинсой (**Хайрулло Қосимов**), Бойсун (**Дилмурод Хафизов**), Музработ (**Шухрат Азимов**) ва Денов тумани (**Дилмурод Турсунов**) ҳокимларининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосарлари;

Шеробод тумани (**Норқул Махмадиёров**), **Жарқўрғон** тумани (**Абдулаким Алияров**) ҳокимининг қурилиш бўйича ўринбосар фаолияти паст баҳоланди.

- **Жарқўрғон** тумани ҳокимининг инвестиция бўйича ўринбосари (**Шайдулло Норалиев**) , **Шўрчи** тумани ҳокимининг қишлоқ хўжалиги бўйича ўринбосари (**Фазлиддин Боймирзаев**), **Қизириқ** тумани ҳокимининг қишлоқ хўжалиги бўйича ўринбосари (**Ботир Джабборов**), **Узун** тумани ҳокимининг қишлоқ хўжалиги бўйича ўринбосари (**Номоз Мажидов**), **Сариосиё** тумани ҳокимининг қишлоқ хўжалиги бўйича ўринбосари (**Сардор Қурбонов**), **Бойсун** тумани ҳокимининг қишлоқ хўжалиги бўйича ўринбосари (**Чори Абдуназаров**), **Бандихон** тумани ҳокимининг қишлоқ хўжалиги бўйича ўринбосари (**Бахром Хамраевлар** **фаолияти ҳам талабга жавоб бермади.**

Шунингдек, Маҳалла ва оилани қўллаб қувватлаш бўйича ўринбосари кўрсаткичлари таҳлил қилинганда **Музработ** тумани ҳокимининг ўринбосари (**Фотима Нормаматова**) 14 ўринни, **Жарқўрғон** тумани ҳокимининг ўринбосари (**Ғулом Хўжанов**) энг охириги ўринни эгаллаган.

Янги йилдан энди биз бугунги талабга жавоб бера олмайдиган ҳоким ва ўринбосарлари ҳамда бошқа масъул раҳбарлар билан хайрлашишга мажбур бўламиз. Агар ишониб топширилган вазифасини сиз уддалай олмаётган бўлсангиз, ўрнингизни билимли, шижоатли, кўзи ёниб турган ёшлар эғналлайди.

Ҳурматли сессия иштирокчилари!

Олдимизга кўйилган ҳар бир вазифа алоҳида назоратга олиниб, **ҳар чорак якуни бўйича** мен ва туманлар ҳокимлари **ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларидаги** вазифаларнинг бажарилиши юзасидан халқ депутатлари Кенгашларига ҳисобот берамиз.

Қадрли дўстлар!

Айни талабни ҳисобга олиб, бугун долзарб вазифалар ижросига жадал киришганмиз.

Асосий мақсад — барча саъй-ҳаракатимиз аҳоли турмуш фаровонлигига хизмат қилсин.

Барчангизга яқинлашиб келаётган Янги йил муборак бўлсин!